



Theoretical foundations of poetic translation

Ilkhomjon TUKHTASINOV¹

Samarkand State Institute of Foreign Languages

ARTICLE INFO

Article history:

Received January 2023

Received in revised form

10 January 2023

Accepted 25 February 2023

Available online

15 March 2023

ABSTRACT

This article contains the theoretical foundations of poem translation, its descriptions, translation used in poetry translation, and the requirements for poetic translators.

2181-3663/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vo1-iss2-pp1-6>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Keywords:

poetry,
poetic text,
translation text,
text,
genre,
style,
style,
fiction,
method,
style.

Шеърӣ таржиманинг назарий асослари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

шеърӣят,
шеърӣ матн,
таржима матни,
аслият матни,
жанр,
услуб,
оҳанг,
урғу,
бадий-эстетик завқ,
усул.

Мазкур мақолада шеърӣ таржиманинг назарий асослари, унинг тавсифлари, шеърӣят таржимасида қўлланадиган таржима услуб ва усуллари, шеърӣ таржимонга қўйиладиган талаблар хусусида сўз юритилади.

¹ Doctor of Pedagogical Sciences, (DSc), Professor, Rector, Samarkand State Institute of Foreign Languages.
E-mail: ilhom_tuhtasinov@mail.ru

Теоретические основы поэтического перевода

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

поэзия,
поэтический текст,
текст перевода,
жанр,
стиль,
художественная
литература,
метод.

В данной статье рассматриваются теоретические основы поэтического перевода, его характеристики, методы перевода и приемы, используемые при переводе стихов, а также требования, предъявляемые к поэтическому переводчику.

Бадий таржима ўзида турли хил услубий воситалар, муаллиф услуби, аслият матнида вақт ва макон масаласи, ўзига хос бадий-эстетик бўёқдорликни акс эттириши билан бошқа услубдаги матнлардан ажралиб туради. Таржимани матн жиҳатидан турлари орасида бадий таржима энг мураккаб таржима ҳисобланса, бадий таржиманинг ўзида эса поэтик (шеърий) таржима ўзига хос мураккабликка эга. Бу жараёнда таржимон нафақат тилшунослик ва таржимашунослик борасида катта билим ва кўникмаларга, балки шеърият, унинг тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари борасида ҳам етарли малакага эга бўлиши керак ҳисобланади.

Мамлакатимизда таржимонлик соҳасини ривожлантиришда назарий ва амалий жиҳатдан фаолият олиб борётган тадқиқотчилардан У. Йўлдошев поэтик таржиманинг қийинчилиқлари борасида қуйидаги “Шеърият таржимасининг мураккаблигини эътироф этган таржимонлар эндиликда насрий асарларни таржима қилишда ҳам жуда кўп муаммоларга дуч келиш мумкинлигини таъкидлашмоқда. Бу муаммолар сирасига аслият ва таржима тиллари ва матнининг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларини киритиш мумкин” деган фикрни таъкидлаб ўтган [1]. Бундан кўриниб турибдики, шеърият таржимаси бадий таржиманинг ичида ҳам ўзига хос мураккабликка эга.

Шеърият таржимасида аслият матни шеъриятдаги ритм, қофия, оҳанг, матннинг фонетик, синтактик, лексик-семантик хусусиятларини таржима матнида олиб ўтиш орқали аслиятга тенг қийматдаги шеърий таржимани яратиш мақсад қилинади.

Бизга маълумки, шеърий асарларнинг бир неча кўринишлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар: дostonлар, лирик шеър, эпик шеър, драматик шеър, рубой, чистон, сонет, баллада ва бошқалар. Буларнинг барчасида шеъриятга оид сифатлар мавжуд бўлади. Шеърий асар таржимасида эса ушбу шеърий жанрларнинг ўзига хослиги, уларнинг хусусиятлари каби жиҳатлар эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ.

Шеърий асарларни чет тилларига таржима қилиш борасида турли хил қарашлар мавжуд. Драйден шеърият таржима қилинади, аммо таржимон бир вақтда шоир ҳам бўлиши керак, деган фикрни таъкидлайди. В. Бенжамин таржимада йўқотишларни бўлиши оддий ҳолат, аксинча, матннинг яратилиши билан эришиладиган жиҳат борки, бу шунчаки асл нусханинг бир кўриниши бўлмайди, балки аслият тилига тенг келадиган қобилиятга эга бўлади. Шунга кўра, “таржимоннинг вазифаси, у таржима қилаётган тилга таъсирини аниқлаб олишдан иборат бўлиб, унда асл нусхада акс садо пайдо бўлади” [2]. Бу каби

фикрлар шеърий асарлардаги бадий-эстетик қийматни таржима тилига ҳам олиб ўтиш мумкин эканлигини англатади. Бироқ шеърий асарларни таржима қилишда аслият матнининг “қурбонликка учраши” муҳимлиги борасида қарашлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, Ж. Катфорд эса шеърият таржимасининг имконсизлиги икки манбадан: лингвистик ва маданий жиҳатдан келиб чиқади, деб ҳисоблайди. У таржима қилинмаслигининг лингвистик жиҳатини аслият ва таржима тилларидаги фарққа боғлайди, шунингдек, бу жараённинг маданий жиҳати таржима тилида маданият билан боғлиқ вазиятга хос хусусиятларни мавжуд эмаслигида деб, ҳисоблайди [3]. Роберт Фрост шеърнинг сифатларини бир тилдан бошқа тилга олиб ўтиш мумкин эмас, деган хулосани билдиради [4]. Л. Венути эса таржимада мазмун ва шаклни камдан-кам ҳолатларда қайта яратиш мумкин, ва бунда одатда шакл мазмун сабаб қурбонликка учрайди [5]. Шеърий асарларни хорижий тилларга таржима қилиниши олимлар орасида муҳим масала сифатида қаралиб келинган. Баъзилар шеъриятни таржима жараёнида йўқ бўлиб кетиши муқаррар деб ҳисобласа, бошқалари ҳар бир асар, хусусан шеърият ҳам таржима қилинади, деган фикрни олға сурадилар. Реал воқеликда эса ўтмишда шеърий асарлар таржима қилинган ва бу жараён келажакда ҳам давом этади. Ўзбек бадий адабиёти намуналарини инглиз тилига бевосита қилинган таржима фаолиятимиздаги тажрибамдан шундай хулоса қилишим мумкинки, шеъриятни унинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таржима қилиш мумкин деган фикрни илгари сурмоқчиман. Агар шеъриятни таржима қилиш имконсиз бўлганда бугунги кунгача В. Шекспир, А. Пушкин, А. Навоий, З.М. Бобур каби жаҳон миқёсидаги шоирларнинг ижод намуналари жаҳон бўйлаб севиб мутоала қилинмас, улар борасида турли тадқиқотлар олиб борилмас эди.

Шеърий асарларни таржима қилишнинг ўзига хос услуб ва усуллари мавжуд бўлиб, улар шеърий матнда бадий-эстетик завқ, оҳанг, қофия, ритм, урғу кабиларни таржима тилига олиб ўтишга ёрдам беради. Қуйида улар ҳақида маълумот бериб ўтамыз.

Назмий таржима услуби шеърлар ва шеърий асарларни насрий таржима қилишда қўлланади. Бунда, одатда, шеърий тўртликлар параграфларга айланади, шеърий пунктуация таништирилади, аслият метафоралари ва маданий бирликлари сақлаб қолинади, оҳанг таъсири қайта яратилади. Ўқувчи эквивалент таъсирни ҳис қилмасдан матн маъносини ўқий олади [6]. Назмий таржималар аксарият ҳолларда вариантлари билан параллел равишда нашр қилинади. Сўзлар бирма-бир таққосланади.

Фонемик таржима услубида аслият тилини таржима тилида айнан аслиятдагидек қайта яратиш кўзда тутилади. Фонемик таржимада эквивалентлигининг бош хоссаси аслият ва таржима тили фонемик бирликларининг бир хил фонетик мазмунга алоқадорлигида кўринади. Ж. Катфорднинг ёндашувига кўра, “таржиманинг бошқа сатҳлари сингари таржимон шаклий мослашув билан таржима эквивалентлигини фарқлай билиши лозим. Фонемик таржима бутун таржимага параллел равишда кўрилади, чунки аслият тилидаги фонемик бирлик таржима тилида бир ёки бирдан ортиқ фонемик эквивалент бирликка эга бўлиши мумкин” [7]. Фонемик таржима аслият тили бирликларини таржима тилининг шаклий бирликларига ўгириш, қаторларни ўзгартириш, маъно хусусиятларини қайта гуруҳлаш ва қайта шакллантириш каби

функцияларни ўз ичига олади. Фонемик таржима актёр ва тақлидчилар томонидан хорижий сўз, шевага хос сўз, шунингдек, сўзлашувга хос сўзларни талаффуз қилишда кенг фойдаланилади.

Метрик таржима услуби. А. Леверенинг фикрича, “ҳар бир қатордаги бўғинга тушган урғуни таржима тилида қайта яратиш услуб бўлиб, аслият тилидаги шеърий қаторларда кучли ёки кучсиз урғуни қўйиб, шеърий вазн яратиш ҳолати таржима тилида ҳам акс этади. Метрик таржимада аслият матни сатрини таржима тилида қайта яратишга урғу берилади. Чунки ҳар бир тил ўзининг махсус урғу ва талаффуз тизимига эга” [8]. Ушбу услуб терминларнинг маъноси ва тузилишига нисбатан нотўғри таржимани келтириб чиқаради. Биз ушбу услубда яратилган матнни ўзбек адабиётшунослигидаги оқ шеърга қиёслашимиз мумкин.

Қофияланган таржима услубида аслият тилидаги вазн ва қофия таржима тилида ҳам яратилади. Мазкур услуб метрик таржимадан фарқли ўлароқ аслиятдаги яратилган оҳанг таржима тилига олиб ўтилади. Бу услубда сўз урғуси, маъноси иккинчи даражага чиқиб қолади.

Таржима жараёнида мазкур услублар қўлланганда аслият матнининг асосий маъноси, тилнинг ўзига хос қонуниятлари таржиманинг бош мезонлари ҳисобланади.

Қуйидаги Томас Элиотнинг “Hollow men” шеърини таржимасига эътибор қаратамиз:

Аслият матни:

*We are the hollow men
We are the stuffed men
Leaning together
Headpiece filled with straw. Alas!
Our dried voices, when
We whisper together
Are quiet and meaningless
As wind in dry grass
Or rats' feet over broken glass
In our dry cellar
Shape without form, shade without color,
Paralyzed force, gesture without motion;
Those who have crossed
With direct eyes, to death's other Kingdom
Remember us – if at all – not as lost
Violent souls, but only
As the hollow men
The stuffed men.*

Мазкур шеър ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинди:

Таржима матни:

*Биз руҳсиз, умидсиз инсонлар,
Қалби пучга тўлган осий бандалар,
Бир бирига суянган жонсиз гавдалар,
Идрокидан айрилган бечора бошлар. Афсус!*

*Унсиз ва бемано қуруқ танада
Шивирлар маюс ва нурсиз овозлар
Шамол ирғитган жонсиз майса мисол
Сокин ва бемаъно товуш чиқарлар.
Қуруқ ва зимистон ертўла узра
Умидсиз азобда кезар сичқонлар
Шаклсиз сояда нурсиз суратлар
Чорасиз ҳаракат, имосиз ишоралар.
Боқий дунёга риҳлат қилганда,
Кўзлар кўзларга тўқнаш келганда,
Бу фоний дунёни тарк этганда
Бир бор бизни эсланг.
Биз ўша, руҳсиз, умидсиз инсонлар.*

Ушбу шеърий таржима юқорида таъкидлаб ўтилган шеърий таржима услубларининг интеграциялаштирган ҳолатда амалга оширилди. Бунда фонемик ва қофияланган таржима услублари уйғунлаштирилди. Чунки таржимашуносликда бир вақтда бир неча таржима усуллари ҳам қўлланиши мумкин. Бу аралаш услубларнинг қўлланиши деб ҳам аталади. Ушбу шеърий таржимани амалга оширишда аввало, шеърий матннинг синтактик ва лексик маъноларига, кейин эса таржима матнининг оҳанги, қофиясига эътибор қаратилди. Агар шеърият матни таржимасида маъно, қофия, урғу бевосита уйғунлашса, шеърий таржима аслият матнига яқинлашади. Шу тариқа яна бир нарсга эътибор қаратиш лозим деб топдик, агар бирон-бир шеърий таржимани турли хил онлайн дастурлар орқали таржима қилинса, уларни маъноси албатта тур хил бўлиши аниқ ва исботланган.

Одатда шеърий матн таржимонига ўзига хос талаблар ҳам мавжуд бўлиб, уларсиз таржимон ўз ижодини сермахсул амалга ошира олмайди. Қуйидагилар шеърий матнлар таржимонига қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

- шеърият таржимони аслият ва таржима тилларини яхши билиши лозим;
- шеърият таржимони аслият ва таржима тилларини яхши таҳлил қила олиш кўникмасига эга бўлиши керак;
- таржимон икки тил маданияти борасида етарли билимга эга бўлиши лозим;
- таржимонда икки тилга нисбатан эмоционал ёндашув қобиляти шаклланган бўлиши даркор;
- шеърият таржимони аслият ва таржима тилларидаги узоқ ўтмиш анъанасини яхши билиши лозим;
- барчасидан олдин, шеърият таржимонида шоир юраги бўлиши керак.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, шеърий матнларни хорижий тилга ўгириш таржиманинг барча кўринишлари орасидаги энг мураккаб таржима фаолияти ҳисобланади. Шеърий таржима таржимондан нафақат аслият ва таржима тиллари борасидаги билим, таржима бўйича кўникма ва маҳоратга эга бўлиши, балки шеърий матнни ҳис қилиши, шунингдек, ижодкорлик қобилятни ҳам талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Йўлдошев У. Насрий таржиманинг ўзига хос муаммолари. Хорижий филология. №3, – 2020. – 103 б.

2. Benjamin W. The Task of the Translator, in: Illuminations. New York: Harcourt, Brace & World Inc. 1968. – P. 73.
3. Catford J.C. A Linguistic Theory of Translation: An Essay in Applied Linguistics. (Oxford: Oxford University Press). 1965. – P. 94.
4. Bassnet S. & Lefevere A. Translation, History and Culture. London: 1990. Printer Publishers – P. 57.
5. Venuti L. The Translation Studies Reader. London: Routledge. 2004. – P. 154.
6. Norton G.P. Some remarks on translation and translators. – Oxford: Oxford University Press, 1984. – P. 45.
7. Catford J.C. A Linguistic Theory of Translation. – Indiana: Oxford University Press, 1965. – 103 p.
8. Lefevere, André (1992) Translation, Rewriting, and the Manipulation of Literary Fame, London: Routledge.